

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги
Тошкент шаҳар бошқармаси Юнусобод
туман Давлат хизматлари маркази
томонидан рўйхатга олинган
“14” март 2023 йил
10-060240

“Ўзбектелеком” АК
Акциядорларининг 2023 йил
16 февралдаги умумий йиғилишининг
57-сон баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ”
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
УСТАВИ**

(ЯНГИ ТАҲРИР)

Тошкент – 2023

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Телекоммуникациялар соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга доир чоратadbирлар тўғрисида”ги 2000 йил 28 июндаги ПФ-2647-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 2000 йил 30 июндаги 253-сон қарорига асосан ташкил этилган ва фаолият кўрсатмоқда.

1.2. Мазкур Устав, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Уставнинг асосий мақсади Компаниянинг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

1.4. Компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа ваколатли давлат бошқарув органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставга асосан амалга оширади.

1.5. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси барча акциядорларига нисбатан уларнинг улушлари, даромадлар даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва мавқеидан қатъий назар тенг муносабатни таъминлайди.

II. КОМПАНИЯНИНГ ТЎЛИҚ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

2.1. Компаниянинг тўлиқ фирма номи:

- ўзбек тилида:

“O'zbektelekom” aksiyadorlik kompaniyasi (лотин ёзуви асосида);

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кирилл ёзуви асосида);

- рус тилида: Акционерная компания “Узбектелеком”;

-инглиз тилида: Joint Stock Company “UZBEKTELECOM”.

Компаниянинг қисқартирилган фирма номи:

- ўзбек тилида:

“O'zbektelekom” АК (лотин ёзуви асосида);

“Ўзбектелеком” АК (кирилл ёзуви асосида);

- рус тилида: АК “Узбектелеком”;

- инглиз тилида: JSC "UZBEKTELECOM".

2.2. Компаниянинг жойлашган ери:

юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 97 "А" уй;

почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 28 "А" уй.

2.3. Компаниянинг электрон почта манзили: info@uztelecom.uz

2.4. Компаниянинг расмий веб – сайти: www.uztelecom.uz

III. КОМПАНИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

3.1. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.2. Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Компания чекланмаган муддатга ташкил қилинган.

3.3. Компания мустақил ва консолидациялаштирилган (жамланган) балансга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўрнатилган тартибда банк ҳисобварақалари (валюта ва бошқа ҳисоб рақамлари) очишга ҳақлидир.

3.4. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам, ушбу Уставнинг 2-бандида белгиланган тартибда ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.5. Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

IV. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) МАҚСАДИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Компания тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олиш.

4.2. Компаниянинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро электралоқа, шу жумладан маълумотларни узатиш, телевидение ва радио дастурларини трансляция қилиш хизматларига бўлган талабни қондириш, улар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

- алоқа воситалари ва тармоқларини замонавийлаштириш, техник қайта жиҳозлаш, шу жумладан тўғридан – тўғри ҳорижий инвестицияларни кенг

жалб этиш, кўшма корхоналар ташкил қилиш, телекоммуникация тизимларини тузиш ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги жаҳон ютуқларини жорий этиш асосида:

- телекоммуникациялар соҳасида бозор ислохотларини янада ривожлантириш, республика ахборот тизимларини жаҳон телекоммуникациялар ва ахборот тармоғига интеграциялашувини таъминлаш;

- телекоммуникация воситалари фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

4.3. Компания куйидаги фаолиятни амалга оширади:

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

- халқаро телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

- кўчма (мобиль) радиотелефон алоқа тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

- шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

- маълумотлар узатиш тармоқлари лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

- телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

- телекоммуникациянинг мавжуд барча турлари ва янги жорий этилаётган истикболли хизматларни кўрсатиш, телекоммуникация соҳасидаги янги ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш;

- умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларининг замонавийлаштириш, ривожлантириш ва қайта қуриш, давлат ва соҳавий дастурлари концепциясини, шунингдек соҳа тизимларини ривожлантириш ва қайта қуриш бўйича лойиҳаларни ҳамда уларга техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- тармоқлардан биргаликда фойдаланиш ва тармоққа ўзаро уланиш, телекоммуникация хизматларини тақдим этиш бўйича услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- ягона технологик жараёнда телекоммуникация хизматларини тақдим этувчи филиаллар, филиал мақомига эга алоҳида таркибий бўлинмаси ва бошқа корхоналар ўртасида ўзаро муносабатни мувофиқлаштириш;

- телекоммуникация универсал хизматлари тариф даражаларини ўзгариши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва ваколатли давлат органларига тақдим қилиш;

- ваколатли давлат органлари билан келишув асосида телекоммуникациянинг айрим хизматлари бўйича тарифларни тасдиқлаш, шунингдек телекоммуникация хизматларга тарифларни белгилаш (тартибга солувчи телекоммуникация хизматлари тарифлари бундан мустасно);

- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш, шу жумладан хорижий алоқа маъмуриятлари ва операторлар билан шартномалар тузиш, хорижий давлатлар ҳудудида ўрнатилган ва фойдаланиладиган телекоммуникация қурилмаларини сотиб олиш ёки ижарага олиш орқали телекоммуникация хизматларини кўрсатиш;

- хорижий алоқа маъмуриятлари ва операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни, шу жумладан, транзит трафик ўтказиш хизматлари билан алмашиш, маҳаллий операторлар билан шаҳарлараро ва халқаро трафикнинг кира олиши ва ўтказишини таъминлаш йўлида шаҳарлараро ва халқаро алоқа каналлари ва трактларининг ижарага бериш ҳамда фойдаланувчилар билан VSAT кичик йўлдош станциялари орқали алоқани ташкил қилиш бўйича ишларни амалга ошириш;

- Миллий ва хорижий телерадиокомпаниялар талабномалари бўйича бир маротабали телевизион узатишлар ташкил қилиш ва телевизион узатишлар бўйича ўзаро ҳисоб -китобларни амалга ошириш;

- қарз ва кредитлар олиш ва бериш, кўчар ва кўчмас мулк сотиб олиш, кўчар ва кўчмас мулкларини гаров сифатида тақдим этиш, қурилиш, телекоммуникациялар воситаларининг ижараси билан боғлиқ бўлган ҳам мустақил, ҳам улушли қатнашиш орқали, шу жумладан, чет эл компаниялари билан республика ҳудуди ва хорижда қонунчиликка зид бўлмаган (тақиқланмаган) турли кўринишдаги битимларни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда ўтказиладиган кўرғазмаларни, кенгашларни (форумлар) ташкил этиш ва уларда иштирок этиш;

- Минтақавий Алоқа Ҳамдўстлиги (МАХ) операторлари Кенгаши аъзоси бўлиш ва аъзолик бўйича олинган мажбуриятларни бажариш, шу жумладан ҳар йили белгиланган аъзолик бадалини чет эл валютасида тўлаб бориш;

- ваколатли давлат органи орқали МАҲ, Халқаро Электралоқа Иттифоқи ва телекоммуникациялар бўйича бошқа халқаро ташкилотлар билан ишлар ташкил қилиш;

- компьютер техникалари ва ахборот-коммуникация технология воситалари учун дастурий таъминотни амалга ошириш учун дастур ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, дастурий таъминотни сертификациялаш, ҳисоблаш техникаларини эксплуатация қилиш, таъмирлаш ва техник хизматлар кўрсатиш;

- фавқулодда вазиятлар соҳасидаги ваколатли давлат органининг сигнал берувчи ускуналарини эксплуатация қилиш, монтаж ва лойиҳалаштириш, газ асбоб-ускуналарини эксплуатация қилиш, ёнғиндан сақлаш сигнализациялар, қўриқлаш, ҳамда ёнғинга қарши автоматик воситаларга техник хизматлар кўрсатиш, монтаж (наладка) таъмирлаш, шунингдек лойиҳалаштириш ва улар билан боғлиқ ишларини амалга ошириш;

- автомобил транспортларида шаҳар, шаҳар атрофи йўналишлари, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчилар ҳамда юк ташиш хизматларини кўрсатиш;

- Компания ходимлари ва акциядорлар талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида дам олиш масканлари, шу жумладан болалар оромгохлари, ёрдамчи хўжаликлар, меҳмонхона, жисмоний соғломлаштириш, аҳолига оммавий овқатланиш ва маиший хизматлар кўрсатиш, шунингдек бошқа муассасаларни ташкил этиш;

- профилактик-даволаш, тиббий-маслахат (консультатив) муассасалари ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа объектларини ташкил этиш;

- савдо ва воситачилик фаолияти кўрсатиш орқали Компания филиалларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга моддий-техник таъминотини ташкил этиш;

- қурилиш, реконструкция ва фуқаролик иншоотларини таъмирлаш;

- тижорат (маркетинг, реклама) фаолиятини амалга ошириш;

- хайрия фаолиятини амалга ошириш;

- товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

- Компания филиаллари томонидан шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматларини ўзаро кўрсатиш (трафиги) ҳажмидан келиб чиқиб фоиз ставкалари (улуш)ни белгилаш;

- Компания тармоқ ресурсларидан фойдаланувчи телекоммуникация операторларига телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ҳисобланган нарх (таксалар)ни белгилаш;

- телекоммуникация хизматларини кўрсатишда ягона технологик жараёнда иштирок этувчи Компания филиаллари ва бошқа корхоналар фоиз ставкалари (улуш)дан келиб чиққан ҳолда маблағлар (даромад)нинг бир қисмини қайта тақсимлаш;

- улгурчи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш.

Компания махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари билан лицензиялар асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

Компания қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ва мазкур Уставда кўрсатилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.

4.4. Компания томонидан филиал мақомига эга алоҳида таркибий бўлинмаларини, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижий давлатлар ҳудудида ўз ваколатхоналарини ташкил этилиши.

Филиал Компаниянинг алоҳида бўлинмаси бўлиб, у Компаниянинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширади. Хорижий давлатларда очилган Компания ваколатхонасининг фаолияти ва вазифалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади.

Компаниянинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс бўлмайди. Улар Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Компаниянинг филиалига бериб қўйилган мол-мулки Компаниянинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалларнинг раҳбарлари Компания бошқарув раиси томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади, шунингдек, бошқарув

раиси томонидан берилган ишончнома ҳамда филиал тўғрисидаги низом асосида иш юритади.

Филиаллар фаолияти учун жавобгарлик Компания зиммасида бўлади.

4.5. Компания акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

4.6. Шўъба хўжалик жамияти ўз мулкида ўз асосий жамиятининг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас. Белгиланган тақиб кучга киргунига қадар ўз асосий жамиятининг овоз берувчи акцияларини олган шўъба хўжалик жамияти асосий жамият акциядорларининг умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас.

4.7. Тобе хўжалик жамияти ўз мулкида жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас. Белгиланган тақиб кучга киргунига қадар жамиятнинг овоз берувчи акцияларини олган тобе хўжалик жамияти жамият акциядорларининг умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас.

V. КОМПАНИЯ УСТАВ ФОНДИНИНГ (УСТАВ КАПИТАЛИ)НИНГ МИҚДОРИ

5.1. Компания Устав фонди (устав капитали) акциядорлар томонидан сотиб олинган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистан Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

5.2. Компания Устав фонди 319 682 423 256 (уч юз ўн тўққиз миллиард олти юз саксон икки миллион тўрт юз йигирма уч минг икки юз эллик олти) сўмни ташкил қилади. Бунда:

- давлат улуши - 96,44 фоиз ёки 308 298 806 412 (уч юз саккиз миллиард икки юз тўқсон саккиз миллион саккиз юз олти минг тшпт юз ўн икки сўм) сўм (267 156 678 дона акция);

- юридик ва жисмоний шахслар улуши - 3,56 фоиз ёки 11 383 616 844 (ўн бир миллиард уч юз саксон уч миллион олти юз ўн олти минг саккиз юз қирқ тўрт) сўм (9 864 486 дона акция).

5.3. Компания акцияларининг номинал қиймати 1 154 (бир минг бир юз эллик тўрт) сўм.

5.4. Компания Устав фонди 277 021 164 (икки юз етмиш етти миллион йигирма бир минг бир юз олтмиш тўрт) дона ҳужжатсиз акцияларга бўлинган, шундан 267 156 678 (икки юз олтмиш етти миллион бир юз эллик олти минг олти юз етмиш саккиз) дона эгаси ёзилган оддий ва 9 864 486 (тўққиз миллион саккиз юз олтмиш тўрт минг тўрт юз саксон олти) дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларни ташкил қилади.

VI. УСТАВ ФОНДИНИ КўПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

6.1. Компания Устав фонди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.2. Компания Устав фондини ошириш шунингдек, Уставга бу билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Компания кузатув кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

6.3. Устав фондининг оширилиши муносабати билан қўшимча тарзда чиқарилган акцияларга обуна бўлиш қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Акциядорлар қўшимча чиқарилган акцияларни сотиб олишда қонунчилик билан белгиланган имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

6.4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ Компания Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг ва эълон қилинган акцияларнинг миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан, қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун Компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.

6.5. Компания Устав фондини ошириш учун қўшимча чиқариладиган акциялар ёпиқ обуна усули билан амалга оширилиши мумкин. Ёпиқ обуна Компаниянинг амалдаги акциядорлари орасида амалга оширилиши мумкин.

6.6. Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Компаниянинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.7. Компаниянинг Устав фондини камайтириш ва Уставга бу билан боғлиқ қўшимчалар ва ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги қарор амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.8. Компаниянинг жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштирилиши мумкин бўлган қўшимча (эълон қилинган) акциялар миқдори 722 448 719 (етти юз йигирма икки миллион тўрт юз қирқ саккиз минг етти юз ўн тўққиз) донани ташкил килади.

6.9. Компания томонидан жойлаштирилган ва чиқариладиган акцияларнинг барчаси эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акциялар бўлиб, ҳар бирининг номинал киймати 1 154 (бир минг бир юз эллик тўрт) сўмга тенг.

VII. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Компаниянинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

7.2. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

7.3. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек, жамият тугатилаётганда акциялар кийматига мос келадиган маблағларни биринчи навбатда олиш

хукукини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар, муайян дивидендлар олиш хукукини беради.

7.4. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар акциялар номинал қийматининг 25 фоизи миқдорда туланади. Соф фойданинг камлиги ёки йукдигида, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар захира фондидан тўланади.

7.5. Имтиёзли акциялар эгалари Компания тугатилган тақдирда, унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг ҳақиқий қийматини оладилар.

7.6. Компаниянинг имтиёзли акцияларини оддий акцияларга айирбошлаш мумкин эмас.

7.7. Компания узи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

7.8. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қдрорига кура пул маблағлари ёки боища қонуний тулов воситалари ёхуд Компаниянинг қимматли қозғалар билан туланиши мумкин.

7.9. Компаниянинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қозғалар билан тулашга йул қуйилмайди.

7.10. Дивиденд, акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.11. Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тукқиз ойи натижаларига кура ва (ёки) молиявий йил натижаларига кура жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тулаш тугрисида қарор қабул қилишга ҳақди.

Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тукқиз ойи натижаларига кура дивидендлар тулаш тугрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.12. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания қузатув қенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.13. Дивидендларнинг миқдори Компания қузатув қенгаши тавсия этган миқдордан қўп бўлиши мумкин эмас.

7.14. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар қўрсатилган бўлиши лозим.

7.15. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган қундан эътиборан олтиш қундан қеч бўлмаслиги лозим.

VIII. КОМПАНИЯ ФОНДЛАРИ

8.1. Компания қўйидаги фондларни тузади:

- захира фонди;
- сармоя фонди;
- модернизация ва янги технологиялар фонди;

8.2. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланувчи, Компания фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни тузишга ҳам ҳақли.

8.3. Захира фонди Компания Устав фондининг (устав капиталининг) 15 (ўн беш) фоизига тенг миқдорда шакллантирилади. Компаниянинг захира фонди Компания Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизига етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан унинг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги мажбурий ажратмалар ўт казиш орқали ташкил этилади.

Захира фонди Компания Устав фондининг (устав капиталининг) 15 (ўн беш) фоизига тенг миқдорда шаклланиб бўлгандан сўнг акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан захира фондига Компания Устав фондининг (устав капиталининг) 15 (ўн беш) фоизидан ортиқ суммани ташкил қилишига олиб келувчи қўшимча маблағлар йўналтирилиши мумкин.

8.4. Компаниянинг захира фонди қўйидаги мақсадларга сарфланади:

- кўрилган зарарни қоплаш
- Компания облигацияларини муомаладан чиқариш
- имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш
- акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.5. Захира фонди бутунлай ёки қисман сарф қилинганда, захира фонди ушбу Уставнинг 8.3. бандига асосан маблағ ажратиш йўли билан қайта шакллантирилади.

8.6. Компаниянинг сармоя фонди Устав фондининг 30 (ўттиз) фоизига тенг миқдорда шакллантирилади ва қўйидагилар учун мўлжалланган:

- илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш;
- янги технологияларни ривожлантириш ва татбиқ этишни сармоялаш;
- лизинг операцияларини амалга ошириш;
- филиалларга ва филиал мақомига эга алоҳида таркибий бўлинмаларига молиявий ёрдам кўрсатиш;
- хўжалик ҳисобидаги корхоналар улушларига, кўчмас мулк ва қимматбаҳо қоғозларга инвестицияларни амалга ошириш.

8.7. Компания сармоя фондида Уставнинг 8.6. бандига кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган миқдорда, мазкур Уставнинг 8.6. бандига кўрсатилган миқдорга еткунга қадар, ҳар йилги мажбурий маблағ ажратмаларини амалга оширади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Компания сармоялаш фондига 30 фоизидан юқори миқдоргача ажратмалар йўналтирилиши мумкин.

8.8. Сармоя фонди бутунлай ёки қисман сарф қилинган ҳолларда, мажбурий маблағ ажратишлар қайтадан бошланади.

8.9. Модернизация ва янги технологиялар фондининг шакллантириш тартиби, манбалари, фонднинг миқдори, унинг маблағларидан фойдаланиш мақсадлари ва фонд билан боғлиқ бошқа тартиб-қоидалар кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Модернизация ва янги технологиялар фонди тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

IX. КОМПАНИЯ ВА АКЦИЯДОРЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

9.2. Акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

9.3. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

9.4. Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

9.5. Давлат ва унинг органлари Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Компания ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

X. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

10.1. Акциядорлар:

Компания акциядорларининг реестрига киритилиш;
депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
Компания фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
Компания тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Компанияни бошқаришда иштирок этиш;

Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10.2. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

10.3. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини Қонунда белгиланган тартибда Компания бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

10.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга ва Компания Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Компания мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

10.5. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида ва Компания Уставада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.6. Компаниянинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

10.7. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Компанияни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Компания Уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

10.8. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш

тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

10.9. Компания соф фойданинг бир қисмини имтиёзли акцияларнинг эгалари акциялар номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизига тенг миқдоридаги дивидендлар кўринишида олиши мумкин.

XI. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

11.1. Компания бошқарув органлари:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- кузатув кенгаши;
- коллегиял ижроия органи (бошқарув)

XII. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИ

12.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органидир.

12.2. Компания ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

12.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан сўнг олти ой ичида, қоида тариқасида июнь ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилади.

12.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Компаниянинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, ижроия органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги ҳақида масалалар ҳал этилади, шунингдек Компаниянинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

12.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

12.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

12.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференц-алоқа режимда ўтказилиши мумкин. Видеоконференц-алоқа режимда иштирок ~~ЭТИШ УЧУН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТУГАЛАНГАН ПАЙТДА ЖАМИЯТНИНГ~~ ~~ЎТКАЗТИРИЛГАН~~ овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ

овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

ХШ. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

13.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

- Компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш;

- Компанияни қайта ташкил этиш;

- Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Компания кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Компаниянинг Устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (бошқарув раисини тасдиқлаш) ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- Компаниянинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- Компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- Компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Компания кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

- Компания томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Компаниянинг кузатув кенгаши аъзолари ва котибига, тафтиш комиссиясига ва ижроия органи ҳамда бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақларни, моддий рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларни суммаларини кўриб чиқиш, шунингдек тўланадиган ҳақларнинг миқдорларини белгилаш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Компания томонидан йирик битимлар ва Компания аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компания томонидан кундалик хўжалик фаолиятига доир битимни (битимларни) белгилаш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

13.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари, акциядорларнинг ёзма сўровига биноан умумий йиғилиш ўтказилган санандан 10 (ўн) иш куни ўтиб, бироқ ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

13.3. Компания акциядорлар умумий йиғилиши Компаниянинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

13.4. Компаниянинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизга эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг молия йили тугаганидан сўнг 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга, кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш, кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар

13.5. Компаниянинг акциядорлари (акциядори), шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

Миноритар акциядорлар (акциядор) ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Компания бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

XIV. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

14.1. Компания кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

14.2. Компания кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши томонидан мазкур Устав ва қонунчиликка асосан 3 (уй) йил муддатга сайланувчи 9 (тўққиз) аъзодан иборат.

14.3. Компаниянинг бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, Компаниянинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

14.4. Компаниянинг фаолиятидаги энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Компания кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин. Компания Кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитаси ташкил этилади.

14.5. Компания Кузатув кенгаши таркибига камида 1 (бир) нафар мустақил аъзо киритилади. Ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда, номзодни кўрсатиш ҳамда Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат улуши номидан иштирок этаётган вакил (вакиллар) томонидан амалга оширилади.

14.6. Компания Кузатув кенгаши аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби ҳамда Кузатув кенгашининг мустақил аъзосининг фаолиятини ташкил этиш Компаниянинг “Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом”да белгиланади.

XV. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

15.1. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Компания ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Компания Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини

акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, Компания Уставига Компания Устав фондини қўшимча акциялар чиқариш орқали кўпайтириш билан боғлиқ тегишли қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш истисно тариқасида Кузатув кенгаши томонидан ҳал қилинади;

- Компаниянинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини Компания кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Компания коллегиял ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш, бунда, Компания кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Компаниянинг филиал ва ваколатхоналарини очиш (ташкил этиш);

- Компаниянинг шўъба ва тобе хўжалик компанияларини ташкил этиш ва тугатиш, шу жумладан Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Компания томонидан йирик битимлар ва Компания аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шу жумладан, Компаниянинг автотранспорт воситалари ва кўчмас-мулк объектларини бегоналаштириш;

- қўшимча акциялар чиқариш орқали эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида Компания томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Компания Устав фондини кўпайтириш;

- эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

- Компания томонидан ўтган молия йил учун белгиланган бизнес-режа параметрларининг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда,

Компаниянинг ҳомийлик ва бошқа қайтарилмайдиган ёрдамлари учун харажатлари ўтган йил соф фойданинг 3 (уч) фоизидан ортиб кетмаслик шarti билан амалга ошириш;

- Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек Компания уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорга чиқариш) нархини белгилаш;

- Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш, унинг фаолиятига доир низомни тасдиқлаш, агар Компания ташкилий тузилмасига биноан бундай лавозим ташкил этилган бўлса;

- Кузатув кенгаши таркибида тегишли фаолият йўналиши бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил этиш;

- Компания бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш;

- Компания бошқарув раиси ўринбосарларини тайинлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.

15.2. Компания кузатув кенгашининг раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

15.3. Компания кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади. Компания кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

15.4. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак. Компания кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Компания кузатув кенгашида овоз беришнинг бошқача тартиби кўзда тутилган бўлса, қарорлар ушбу тартиб асосида овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Компания кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Овозлар тенг бўлган ҳолатда кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Компания кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган Компания кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардирлар.

Кузатув кенгаши мажлиси ҳамда унда қабул қилинган қарорлар кузатув кенгаши баённомаси кўринишида мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай расмийлаштирилади.

Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

15.5. Кузатув кенгаши ижроия органидан Компания фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни сўраш ҳуқуқига эга. Кузатув кенгаши ўз аъзоларидан бирига текширув бўйича мажбуриятни юклаши ёки баъзи бир масалаларни аниқлаш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин.

15.6. Кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан кенгаш аъзолигига номзодларни кўрсатиш ва кенгаш аъзоларини сайлаш (тасдиқлаш) ушбу Уставга ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

15.7. Компания Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Компания кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

15.8. Компания кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Компания кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

15.9. Компания кузатув кенгашининг мажлиси видеоконференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин. Видеоконференц-алоқа режимида кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун барча кузатув кенгаши аъзолари иштирок этганда кворум таъминланган ҳисобланади.

15.10. Компания кузатув кенгаши аъзолари ва котиби Компания билан боғлиқ ўз фаолияти учун ҳақ ва бошқа моддий рағбатлантириш суммалари олиши мумкин. Тўланадиган ҳақ ва бошқа моддий рағбатлантириш суммалар миқдори Компания акциядорлари умумий йиғилишида белгиланади ва “Ўзбектелеком” АК бошқарув ва назорат органлари аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низоми асосида амалга оширилади.

XVI. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

16.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарликни коллегиял ижроия органи – бошқарув асосида амалга оширади. У Компаниянинг бутун фаолияти учун жавобгар ҳисобланади ва акциядорларнинг умумий йиғилишига Компаниянинг фаолияти яқунлари тўғрисида йиллик ҳисоботни тақдим этади.

16.2. Компания бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув раиси билан тузиладиган меҳнат шартномаси кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади. Кузатув кенгаши раиси узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда бошқарув раиси билан тузиладиган меҳнат шартномасини кузатув кенгаши мажлисига раислик қилувчи шахс ёки имзолаш ваколати берилган шахс имзолайди.

16.3. Бошқарув раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Компания кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

16.4. Бошқарув ваколатига Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий

йиғилишининг ёки кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

16.5. Бошқарув акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларини бажарилишини ташкил этади. Бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига ҳисобот беради.

16.6. Компания бошқарув раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари):

- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш;
- Компаниянинг манфаатларини ифодалаш;
- Компания номидан ўз ваколатлари дорасида битимлар тузиш;
- Компаниянинг филиали ва филиал мақомига эга таркибий тузилмаси таркибида бўлинмани ташкил этиш ёки тугатиш;
- хорижий давлатлар ҳудудида ўз ваколатхоналарини ташкил этиш ва кейинчалик тегишли қарор қабул қилиш учун Компания Кузатув кенгашининг кун тартибига киритиш;
- Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини, ўринбосарларини ва бош бухгалтерини тайинлаш;
- Компания штат жадвалини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Компания ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ўзгартириш киритиш, интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини белгилаш, моддий рағбатлантириш ва бошқалар;
- Компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Компания номидан ишончномаларни бериш;
- мазкур Уставда тақдим этилган ҳуқуқлар доирасида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик шахслар ва жисмоний шахслар билан миллий ва чет эл валютасида шартномалар (битимлар, контрактлар) тузиш, ҳисоб варақлари ва тўлов топшириқномаларини шунингдек Компания ҳисоботларини имзолаш;
- Компания фаолияти учун зарур бўлган ҳолларда Компаниянинг бошқа бошқарув органлари ваколатига кирадиган масалаларни кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, бундай масалаларни навбатдаги Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши муҳокамасига тасдиқлаш учун киритиш шарти билан мустақил ҳал қилиш ва тегишли битимларни имзолаш;
- қонун ҳужжатлари, мазкур Устав, меҳнат шартномаси ва Компаниянинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар).

16.7. Компания бошқарув раисининг мажбуриятлари:

- Компаниянинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Компания аудитори талабига кўра қонунчиликда белгиланган тартибда Компания ҳужжатларини тақдим этиш;
- Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонун ости ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;

- қонун ҳужжатлари, мазкур Устав, меҳнат шартномаси ва Компаниянинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар.

16.8. Компаниянинг бошқарув раисига тўланадиган ҳақ миқдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

16.9. Компаниянинг бошқарув раисига бошқа ҳақлар (рағбатлантириш) ҳам тўланиши мумкин.

16.10. Кузатув кенгаши Компания бошқарув раиси билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

16.11. Компания кузатув кенгаши Компаниянинг бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у Компания Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

16.12. Компания кузатув кенгаши томонидан Компания бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Компания бошқарув раиси ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша мажлиснинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Компания бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда кузатув кенгашининг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

16.13. Бошқарув раиси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

16.14. Бошқарув раиси Компания акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлар (акциядор) вакили сифатида иштирок этса, ижроия органига аъзолар сайлаш (тайинлаш) масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.15. Компаниянинг қоллегиал ижроия органи раҳбари – бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодлар қоида тариқасида, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартиби регламент билан белгиланади.

XVII. КОМПАНИЯНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

17.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Тафтиш комиссияси аъзолари

3 (уч) кишидан иборат бўлиб, улар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар. Айти бир шахс айти бир компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

17.2. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан 1 (бир) йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

17.3. Компания тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

- Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни ижроия органидан талаб қилиш;

- Акциядорларнинг йиғилишини чақириш.

17.4. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга ошириляётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

17.5. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Компания кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

17.6. Тафтиш комиссияси Компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Компания кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 16.4. бандидда кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

17.7. Компания ички аудит хизмати ўз фаолиятида Компания Кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасига ҳисобдор бўлади.

17.8. Компаниянинг ички аудит хизмати Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва филиал мақомига эга алоҳида таркибий бўлинмалари томонидан қонун ҳужжатларига, Компания Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг

сақланишини, шунингдек Компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва филиал мақомига эга алоҳида таркибий бўлинмалари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ички назоратни амалга оширади, шу жумладан устав капиталининг 50 (эллик) фоизидан кўпи Компанияга тегишли бўлган юридик шахслар билан операциялар бўйича назоратни ҳам амалга оширади.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ҳамда Компания кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомга мувофиқ амалга оширади.

17.9. Аудиторлик ташкилоти Компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Компания молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти Компаниянинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Компания олдида жавобгар бўлади.

17.10. Компания Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

XVIII. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

18.1. Компания қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва молиявий ҳисобот тақдим этади.

18.2. Компаниянинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Компания ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

18.3. Компаниянинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 10 (ўн) кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

18.4. Компанияда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Компаниянинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Компания ижроия органининг зиммасида бўлади.

·XIX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

19.1. Компания Устави ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб кучга киради. Агар Компания Уставида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалардан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда қонунчиликда белгиланган қоидалар қўлланилади.

19.2. Мазкур Уставда кўрсатиб ўтилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Анваров Назирасон Абдукаримович



Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"O`ZBEKTELEKOM" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"O`ZBEKTELEKOM" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

203 366 731

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

21.02.2002

Sana

10-000240

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, YUNUSOBOD TUMANI, A.TEMUR SHOX KO'CHASI

Tomonidan berilgan:

YUNUSOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

715866



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
203 366 731

Nomi
O'ZBEKTELEKOM

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joy (manzili)
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, A.Temur shox
ko'chasi

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
203 366 731

Nomi
O'ZBEKTELEKOM

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joy (manzili)
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, A.Temur shox
ko'chasi

Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

Oldingi ta'sischi

Yuridik shaxs
AKSIYADORLAR

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR):
20 1122919

Miqdori: 331 556 390 856
so'm

Ulushi:
100,00%

Ustav fondi

331 556 390 856 so'm

14.03.2023

Guvohnoma olingan sana

715865



14.03.2023

Guvohnoma olingan sana

715865





Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Aksiya to'g'risida ma'lumot

Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 267156678

Aksiya bahosi: 1154 so'm

Aksiya to'g'risida ma'lumot

enum_stock_type_SPECIAL

Aksiyalar soni: 9864486

Aksiya bahosi: 1154 so'm

Ustav fondi

319 682 423 256 so'm



14.03.2023

Guvohnoma olingan sana

715865

